

## МАМЛАКАТИМИЗ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА БАНДЛИГИНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ТАХЛИЛИ

**Расулов Ш.Ш.**

*Жиззах политехника институти,*

*Иқтисодиёт ва менежмент кафедраси катта ўқитувчиси*

*Email:shavkat-rasulov@mail.ru*

*+998915901832*

**Аннотация:** Мазкур мақолада меҳнат ресурслари ўсиши ва унинг таркибий ўзгариши ҳамда иқтисодиётда бандлиги динамикаси таҳлил қилиниб, улардан унумли фойдаланиш йўллари бўйича фикр-мулоҳазалар баён этилган.

**Калит сўзлар:** аҳоли, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли, меҳнат ресурслари, иш билан бандлик, бандлик даражаси, ишсизлар, ишсизлик даражаси, иш ўринлари.

**Кириш.** Бугунги кунда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва меҳнат ресурслари иқтисодий фаоллигини ошириш бўйича ташкилий-иқтисодий механизмларини яратиш муаммоси жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим макроиқтисодий хусусиятларидан бири бўлиб иқтисодиётда алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан 2022 йил 28 январда қабул қилинган 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида меҳнат ресурсларини иқтисодий фаоллигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий “..фаол» моделини жорий этиш, уни аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш ҳамда худудни ривожлантириш учун зарур ресурс ва имкониятлар билан таъминлаш..<sup>8</sup> ва “...аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари..” асосий вазифа сифатида белгиланган<sup>9</sup>. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар жараёнида меҳнат ресурслари иқтисодий фаоллигини ошириш муаммоларини тадқиқ этишнинг долзарблиги биринчи навбатда, мазкур тушунчанинг эволюцион қарашлари ва концептуал ёндашувларини ҳам назарий ва амалий жиҳатдан ёндашиш ҳамда пандемия давригача ва ундан кейинги реал ижтимоий ҳаётга бевосита боғланган ҳолда тадқиқ қилишни тақозо этади.

<sup>8</sup> <https://rgsbm.uz/uploads/docs/3244120ca61727a2fd3f6607e24b92e7.pdf>

<sup>9</sup> Lex.uz. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son Farmoni.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон «Иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 11 февралдаги ПФ-6277-сон «Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, фармонлари, 2018 йил 21 июлдаги ПҚ-3877-сон «Ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 27 мартдаги ПҚ-5041-сон «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 11 августдаги ПҚ-4804-сон «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги «Худудларда «маҳаллабай» ишлаш асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтириш орқали камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 504-сонли қарори, 2021-йил 28-апрелдаги ПҚ-5094-сон “2021-йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги, 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2022-йил 30-августдаги ПҚ-366-сон “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

**Адабиётлар таҳлили.** Бозор муносабатлари шароитларида иқтисодий ривожлантиришнинг мақбул стратегиясини шакллантиришнинг таркибий қисми ҳисобланган аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ҳамда меҳнат ресурслари фаоллигини ошириш масалалари С.Жуков, П.Журавлев, Кейнс, А.Кокина, К.Макконнелл, Р.Мумладзе, Ю.Одегов, Руденко, А.Рофе, Л.Сбитова, А.Смит каби олимлар томонидан ўрганилган. Турли олимларнинг меҳнат, меҳнат ресурслари ва уларнинг худудлар бўйича тақсимланишига оид тадқиқотларининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш асосида қуйидаги умумлашма ва хулосалар чиқариш мумкин. “Меҳнат” ва “меҳнат ресурслари”

тушунчалари бир хил эмас. Агар меҳнат шахс ёки одамлар гуруҳининг товар ва ресурслар ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этиш имкониятини тавсифласа, меҳнат ресурслари халқ хўжалигида ишлаш учун ақлий қобилиятлар, меҳнатга лаёқатли ёшга етган ва зарур жисмоний ривожланишга эга бўлган мамлакат аҳолисининг қисмидир. Бундан ташқари меҳнат ресурслари меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ва меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва ёши каттароқ банд бўлганлардир. Шундай қилиб, инсонни меҳнатга жалб қилишнинг асосий мезони унинг меҳнат қобилиятидир. Ўз навбатида, меҳнат ресурсларини ривожлантириш йўллари уларнинг минтақавий тақсимланишидан, шунингдек, ўсишидан иборат бўлган иқтисодий манфаатлари билан белгиланади.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада иқтисодий тадқиқ этиш методологияси, тизимли таҳлил, монографик таҳлил, таққослаш, гуруҳлаш, эксперт баҳоласи, иқтисодий-статистик каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижалари.** Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурлари асосида ташқи ва ички ресурслардан самарали фойдаланиш, кўп тармоқли иқтисодий ривожлантириш, бошқарув механизмини такомиллаштириш асосида амалга оширилмоқда. Ушбу ривожланиш жараёнида аҳоли бандлиги сиёсати ҳам индивидуал ҳам ижтимоий миқёсида муҳим аҳамият касб этади. Меҳнат бозоридаги конъюнктура ўзгариши иқтисодий ўсишга ёки уни пасайишига ҳам таъсир кўрсатади. Шунинг учун меҳнат бозоридаги сиёсатни ишлаб чиқишда иқтисодий ўсиш ва бандлик ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу тўғрисидаги илмий изланишлар йиллар давомида турлича тадқиқ этилган. Жумладан, Данг Ту Лан (2002) "Мамлакатимизда аҳоли бандлиги муаммосини ҳал этишга таъсир этувчи омиллар» деб номланган сиёсий назариясида Вьетнам аҳолиси бандлигига таъсир кўрсатувчи омиллар, бандлик эластиклиги ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро боғлиқлиги ўрганилган.

1-Жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2016-2022 йилларда ЯИМ ва меҳнат ресурслари (млрд. сўм/ минг киши)<sup>10</sup>

Ko'rsatkichlar	2016 y.	2018 y.	2019 y.	2020 y.	2021 y.	2022 y.
Yalpi ichki mahsulot hajmi	255 421,9	426 641,0	532 712,5	605 514,9	738 425,2	896 617,9

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат статистика агентлиги маълумотлари

<b>Mehnat resurslari</b>	18 488,9	18 829,6	18 949,0	19 158,2	19 334,9	19 517,5
--------------------------	----------	----------	----------	----------	----------	----------

Юқорида 1-Жадвал маълумотларига таяниб таҳлил қиладиган бўлсак, 2016-2022 йилларда ЯИМ ҳажмининг ўсиш тамойилига эга бўлган, яъни 2016 йилда 255421,9 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса 2022 йилга келиб эса 896617,9 млрд.сўмга ўсган. Бу йиллар оралиғида меҳнат ресурсларининг энг кам миқдори 18488,9 минг кишини (2016 й), энг юқори миқдори 19517,5 минг киши (2022й), иқтисодиётда банд бўлганлар эса 2015 йилда 13058,3 мингни ташкил этган бўлса 2022 йилда эса 13706,2 мингни ташкил этган. Ўртача меҳнат ресурсларининг сони 18764,3 минг киши бўлган. Меҳнат ресурсларининг иқтисодиётда банд бўлган қисми 2022 йилда 18340,1 минг киши (87,3 %)ни ташкил этган ёки 2022 йилда иқтисодиётда бандларнинг меҳнат ресурслари сонидоғи улуши 2022 йилга нисбатан 53,7 фоизга ошган. 1990-2020 йиллар оралиғида реал ЯИМ нинг ўсиш суръати ўртача 105,9% ни ташкил этган. ЯИМнинг ўсиш суръати 2013 йил 107,6 фоиздан 2020 йил 101,6 фоизга тушган. Меҳнат ресурсларининг ўсиш суръати ўртача 101,7 фоизни ташкил этган. 1990-2022 йилларда меҳнат ресурсларининг ўсиш суръати 100,0 фоиздан 106,8 фоизга ошган. 2015-2020 йилларда мос равишда 99,4 фоиздан 99,1 фоизга тушган. Бу жараёнга демографик юкламанинг даврий ўзгариши ҳам таъсир кўрсатган, яъни аҳолининг меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдагиларнинг жами аҳоли сонидоғи улушининг 7,6 фоиздан 8,1 фоизга ошгани, меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёшдагиларнинг улуши 43,2 фоиздан 29,1 фоизга камайгани таъсир кўрсатган<sup>11</sup>.

2- Жадвал.

Ўзбекистон Республикасида 2010 - 2022 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича бандларнинг тақсимланиши<sup>12</sup> (фоизда)

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2015 й.</b>	<b>2016 й.</b>	<b>2017 й.</b>	<b>2018 й.</b>	<b>2019 й.</b>	<b>2020 й.</b>	<b>2021 й.</b>	<b>2022 й.</b>
Иш билан банд аҳоли	100	100	100	100	100	100	100	100
<i>Шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича</i>								

<sup>11</sup> [www.stat.uz](http://www.stat.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил этилди.

<sup>12</sup> Давлат статистика қўмитаси “Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик” статистик тўплам Тошкент-2020 й, 40 бет.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	27,6	27,4	27,2	26,6	26,2	26,4	25,2	25,1
Саноат	13,5	13,6	13,5	13,6	13,5	13,7	13,8	13,2
Қурилиш	9,4	9,5	9,5	9,1	9,8	9,9	10,0	9,6
Савдо	10,8	10,9	10,9	10,6	10,6	10,6	11,3	11,1
Ташиш ва сақлаш	4,7	4,8	4,8	4,9	4,8	4,6	4,8	4,6
Таълим	8,5	8,3	8,2	8,4	8,4	8,8	9,0	9,3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	4,6	4,5	4,5	4,6	4,6	5,1	4,8	4,9
Бошқа турлари	20,9	21,0	21,4	22,3	22,3	21,0	21,0	22,2
<i>Иш билан банд аҳолини мулкчилик турлари бўйича тақсимлаш</i>								
Давлат сектори	17,9	17,5	17,3	18,3	18,2	18,8	18,7	18,5
Нодавлат сектори	82,1	82,5	82,7	81,7	81,8	81,2	81,3	81,5
Меҳнат идораларида рўйхатдан ўтган ишсизлар*)	2,7	5	14,4	32,3	57,9	37,1	98,7	49

2-Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2015-2022 йиллар оралиғида иқтисодиёт фаолият турлари бўйича иқтисодиёт тармоқлари бўйича бандларда энг юқори тенденция қишлоқ ва ўрмон хўжалигида кузатилган. Иш билан банд аҳоли сонига нисбатан қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 2022 йилда жамига нисбатан 25,1 фоизни ташкил этган. 2015-2022 йиллар оралиғидаги қишлоқ ва ўрмон хўжалигида бандларни таҳлил қилар эканмиз бунда 2022 йилга нисбатан пасайиш тенденцияси кузатилган, яъни 2015 йилда мазкур соҳада бандлар жамига нисбатан 27,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 25,1 фоизга тушган. Мазкур соҳада пасайиш тенденцияси асосан 2018 йилдан бошланган. Иш билан банд аҳолига нисбатан саноат соҳасидаги бандлик кўрсаткичи ҳам 2015-2022 йиллар оралиғида яъни 2015 йилга нисбатан сезиларсиз пасайиш кузатилган, яъни 2015 йилда мазкур соҳада

бандлар жамига нисбатан 13,5 фоизни ташкил қилган бўлса 2022 йилга келиб эса 13,2 фоизли салмоққа пасайганлигини кўришимиз мумкин. Жамига нисбатан мазкур соҳада 2015-2021 йиллар оралиғида ўсиш тенденцияси кузатилган. Иш билан банд аҳоли сонига нисбатан савдо соҳасида бандлар улуши 2015-2022 йиллар оралиғида ўсиш кузатилган, яъни 2015 йилда 10,8 фоизни ташкил этган бўлса 2022 йилда эса 11,1 фоизга етган.

Иш билан банд аҳоли сонига нисбатан қурилиш соҳасида бандлар улуши 2015-2022 йиллар оралиғида ўсиш кузатилган, яъни 2015 йилда 9,4 фоизни ташкил этган бўлса 2022 йилда эса 9,6 фоизга пасайган. Мазкур соҳа 2015-2021 йилларга иш билан банд аҳоли сонига нисбатан ўсиш кузатилган. Иш билан банд аҳоли сонига нисбатан таълим соҳасида бандлар улуши 2015-2022 йиллар оралиғида ўсиш кузатилган, яъни 2015 йилда 8,5 фоизни ташкил этган бўлса 2022 йилда эса 9,3 фоизга ўсган. Албатта бундай ўсиш тенденциясининг кузатилиши Олий таълимда рақобатни қўллаб-қувватлаш ва хусусий секторни жалб қилиш орқали эришилди. Маълумки, ўтган 6 йил мобайнида олий ўқув юртлари сони 77 тадан 170 тага етди, уларга қабул 3,5 бараварга ортди. Олий таълимда рақобатни қўллаб-қувватлаш ва хусусий секторни жалб қилиш орқали 24 та хорижий ҳамда 27 та нодавлат олийгоҳлар ташкил этилди. Шу асосда ёшларни олий таълим билан қамров даражаси 9 фоиздан 32 фоизга оширилди. Энг паст улуш саломоқлари Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ва ташиш ва сақлаш соҳасида кузатилган. Мазкур кўрсаткич жамига нисбатан ўртача 4,5 фоизни ташкил этган.

Қолган иқтисодиёт тармоқларида асосий капиталга хорижий инвестициялар жамига нисбатан улуши ошган. Жумладан, унинг жамига нисбатан улушидаги энг юқори кўрсаткич ишлаб чиқариш саноатида 20,6 фоизга (10,5 фоиздан 31,1 фоизга) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 8,0 фоизгача (0,9 фоиздан 8,9 фоизга) ошган.

Ишга муҳтож бўлганларнинг умумий сони 1,9 млн. кишини ташкил этди (16-30 ёшгача бўлганлар ўртасида ишсизлик даражаси – 20,1 фоиз, аёллар ўртасида ишсизлик даражаси эса – 17,4 фоиз). Дастлабки маълумотларга кўра, меҳнат ресурслари сони 19 млн кишини ташкил этиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 0,6 фоизга кўпайган. Бироқ, COVID-19 пандемиясининг иқтисодиёт субъектлари фаолиятига салбий таъсири оқибатида иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 фоизга ёки 671 минг кишига камайиб, 12,7 млн. кишини ташкил қилди<sup>13</sup>.

<sup>13</sup> 1 <https://kun.uz/news/2020/08/03/ozbekistonda- ishsizlik-darajasi-malum-qilindi>

Шунингдек, иқтисодий тармоқларининг расмий секторида банд бўлган аҳоли сони 5,5 млн кишини ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,2 фоизга ёки 12,4 минг кишига камайди<sup>14</sup>. Бунда коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олишга қаратилган айрим чеклов чора-тадбирлари сабабли яқка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 167,5 мингга (46,4 фоиз) камайиб кетганлиги ҳисобига юзага келган бўлса, 131,2 минг ишсизларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш ҳисобига расмий бандлар сони кескин камайишининг олди олинди. Тадқиқот натижаларига кўра, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетганлар сони 2 млн. кишини ташкил этган (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 553,2 минг кишига ва 2020 йилнинг 1-чорак якунига нисбатан эса 232,1 минг кишига камайган). Норасмий секторда банд бўлганлар сони (хорижда ишлаётган меҳнат мигрантларини ҳисобга олмаганда) ўтган йилга нисбатан 2,1 фоизга ёки 105,3 мингга камайиб, 5,1 млн. кишини ташкил этмоқда. Бунда асосан вақтинчалик бир мартали ва мавсумий ишларни бажарувчилар (108,4 мингга камайган), меҳнат муносабатларини расмийлаштирмасдан оилавий корхоналарда ва тадбиркорларда ишловчилар (87,6 минг), рўйхатдан ўтмасдан ва тегишли рухсатномасиз фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар (110,6 минг) сони камайди. Шу билан бирга, карантин чора-тадбирлари даврида уйда ўтирган фуқаролар сони ошганлиги ҳамда фуқароларнинг шахсий томорқаларни ривожлантириш учун Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан субсидиялар бериш дастури ҳажми кескин ортганлиги учун деҳқон ва шахсий томорқаларда банд бўлганлар сони 201,1 мингга ортган. Тадбиркорлик субъектлари ва ўзини ўзи банд қилган фуқароларга меҳнат стажини ҳисобга олиш ва рағбатлантирувчи имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқи берилиши норасмий секторда бандлар улушини камайтириш имкониятини бермоқда. 2020 йилда Республикада иқтисодий нофаол аҳоли сони 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 4,5 фоизга ошган. Ушбу кўрсаткич ўтказилган тадқиқот давомида тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари карантин чора-тадбирлари даврида вақтинчалик ўз фаолиятларини тўхтатиб туришларини ва чекловлардан сўнг қайта тиклаш ниятини билдириб, бошқа фаолият билан шуғулланмасликни афзал кўрсатаётганлиги сабабли ошганлигини кўрсатди<sup>15</sup>. 2020 йилнинг январь-июнь ойларида, айниқса COVID-19 пандемиясининг меҳнат бозорига

<sup>14</sup> 2 <https://kun.uz/news/2020/08/03/ozbekistondaishsizlik-darajasi-malum-qilindi>

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан амалга оширилган ҳисоб-китоб натижалари.

салбий таъсирини юмшатиш мақсадида меҳнат органлари томонидан 588,2 минг (30 ёшгача бўлганлар 159,9 минг ва аёллар 229,4 минг) ишсиз ва банд бўлмаган аҳолига хизматлар кўрсатилди. Хусусан, 501,1 минг нафари доимий иш ўринларига ишга жойлаштириш ва жамоат ишларига жалб қилиш орқали бандлиги таъминланди, 15,0 минг нафар ишсизлар касб-хунарга ўқитилди, 27,0 минг нафар ишсиз шахсларга Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан 10,1 млрд. сўм ишсизлик нафақаси тўлаб берилди. Шунингдек, Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан ажратиладиган субсидиялар ҳисобига 24,8 минг нафар фуқаро шахсий томорқаларида, 15 минг нафар фуқаро қишлоқ хўжалиги, тикувчилик ва хунармандчилик кооперативларида аъзо сифатида бириктирилиб, банд қилинди, 3 минг нафар фуқаро тадбиркорликка жалб этилди, 256 та иш берувчига меҳнат органлари йўлланмаси билан ишга олинган 2,3 минг нафар ишсизларнинг касбий малакасини оширганлиги ва ижтимоий ҳимояга мухтож аҳолини ишга олганлиги учун моддий кўмак ажратилди<sup>16</sup>. Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Хусусан, янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 2017 йилда 336,1 минг нафар, 2018 йилда 372,2 минг нафар, 2019 йилда 388,5 минг нафар янги иш ўринлари яратилди. Ривожланган мамлакатларда йилига 10-15% янги иш ўринлари яратилади (иқтисодиётда банд бўлган жами меҳнат ресурсларига нисбатан). Ўзбекистонда бу кўрсаткич йилига 1,5-2,8%, жумладан, 2019-йилда 2,8 фоизга тенг бўлган. Ўзбекистон Республикасида 2022 йилнинг ўзида аҳоли бандлигини таъминлашда олиб борилган қатор ислохотлар натижасида қуйидаги ижобий тенденцияларга эришилди:

– ҳудудларда корхоналар сони 85 мингтага кўпайиб, уларнинг сони 550 мингтага етди. Натижада, тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда 2 миллион аҳолининг доимий бандлиги таъминланди;

– даромад солиғи тўлаётган расмий банд бўлганлар сони 400 мингтага ошди. Уларнинг сони 5 миллион 100 мингтага етди;

– маҳаллалардаги 35 мингта микро-лойиҳа доирасида 175 минг аҳоли ўзи яшайдиган маҳаллада даромад топишга эга бўлди;

<sup>16</sup> <https://stat.uz/uz/> О'zbekiston respublikasi prezidenti huzuridagi statistika agentligi ma'lumoti



- йўловчи ташиш, дурадгорлик, кулолчилик, риелторлик хизматини кўрсатиш каби 79 та фаолият тури бўйича ўзини ўзи банд қилиш имконияти яратилгани натижасида, бу йили 914 минг нафар фуқаро рўйхатдан ўтиб, уларнинг сони 2 миллионга яқинлашди;
  - норасмий фаолият олиб бораётган 458 минг фуқароларнинг меҳнат фаолиятлари расмийлаштирилди;
  - имконияти чекланган шахсларни бандлигини таъминлаш мақсадида алоҳида Миллий дастур ишлаб чиқилиб, 15 минг ногиронлиги бўлган фуқароларнинг бандлигига кўмаклашилди;
  - ногиронлиги бўлган шахсларни касб-ҳунарга бепул ўқитиш тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, ушбу шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга субсидия бериш тизими жорий этилди.
  - Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси тасдиқланди;
  - фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш кўламини кенгайтириш мақсадида “Ишга марҳамат” мономарказлари сони 23 тага, маҳалла касб-ҳунарга ўқитиш масканлари сони 489 тага етказилди. Мазкур таълим муассасаларида 140 минг ишсизлар касб-ҳунарга ўқитилди.
  - аҳоли бандлигини ошириш, тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилган шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида янги турдаги субсидиялар ажратиш тизими йўлга қўйилди. Хусусан, касаначилик йўналишида мини-лойиҳаларни амалга ошириш, томорқа ер участкалари эгаларини кооперация ва касаначилик асосида иш билан банд қилиш, қурилиш бригадалари ташкил этишни рағбатлантириш жорий этилди.
- Ўзбекистонда 2020-2022 йилларда иш билан банд бўлган аҳоли сонигаги энг юқори бандлик даражаси қишлоқ хўжалиги ўрмончилик ва балиқчилик (23,7 %), саноат (14,3 %), савдо (14,7 %), таълим (13,5 %) ва қурилиш (11,5 %) соҳаларининг улуши юқоридир. Энг паст улушга эга бўлган соҳалар ахборот ва алоқа, молиявий ва суғурта фаолияти ва санъат, кўнгил очар ва дам олиш каби иқтисодиёт фаолиятларига 0,38,2 фоиз тўғри келади. Германия, АҚШ ва Швейцария каби Япония, Жанубий Корея, Тайвань (Хитой) (“Супер инноватор”лик мақомини сақлаб турган мамлакатлар) мамлакатларда меҳнат ресурсларининг тармоқлар бўйича тақсимланишини ва ҳаракатланишини таҳлил қилганда 2007-2020 йиллар оралиғида бандлик қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларида сезиларли даражада камайган бўлса-да, хизмат кўрсатиш соҳасида ортиб борган.

3-Жадвал

Меҳнат ресурсларини тармоқ соҳалари бўйича тақсимланиши (Япония, Жанубий Корея, Хитой ва Ўзбекистон), %<sup>17</sup>

Тармоқларда аҳоли бандлиги	Япония		Жанубий Корея		Хитой		Ўзбекистон
	2007 й.	2021 й.	2007 й.	2021 й.	2007 й.	2021 й.	2021 й.
Қишлоқ хўжалиги	4,29	3,0	7,59	5,35	40,8	22,9	23,95
Хизмат кўрсатиш	67,5	73,12	66,37	70,05	32,40	48	50,64
Саноат	28,21	23,71	25,46	24,60	26,80	29,1	25,41

Хусусан, Япония қишлоқ хўжалигида банд аҳоли салмоғи 4,29 % дан 3,0 % га (-1,29%), Жанубий Кореяда 7,59 % дан 5,35 % (-2,24 %), Хитойда эса 40.8 %дан 22,9 % (-17,9 %)га тушган (2.5-жадвал).Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳолининг салмоғи ўртасидаги вариация кўрсаткичи юқори бўлсада, саноатда банд бўлган аҳоли салмоғи бўйича тафовут деярли йўқ, яъни ўртача 25.7 %ни ташкил этган. Мамлакатимизда аҳоли бандлигининг ўрганилган мамлакатлар билан қиёслаганда сезиларли фарқ саноат тармоғига тўғри келиб 14.3 %ни ташкил этмоқда, яъни таққосланаётган мамлакатларнинг ўртача салмоғи натижасидан 55.6 %га камлигини кўриш мумкин. 2021-2030 йилларда аҳоли бандлигининг прогнози. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясига кўра 2017-2030 йилларда ЯИМ ҳажмини 2 баробарга ошириш белгиланган<sup>18</sup>. Пандемия натижасида ЯИМнинг 2020 йилда ўсиш суръати 101,6 фоизни ташкил этган (йиллик ўртача иқтисодий ўсиш 4,3 фоиз этиб таргетланган эди). Ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда 2021-2030 йилларга бир неча сценарияларни иқтисодий ўсиш суръатини 5%, 6 % ва 7% лигини таъминлаш асосида қуйидаги прогноз ишлаб чиқилди. Республикаимиздаги демографик вазиятни ҳисобга олган ҳолда ва ўртача ишсизлик даражаси, ўртача йиллик меҳнат ресурсларининг сонининг ошиши ва меҳнатга лаёқатли ёшдан катталарнинг сонининг ўсиш суръати ва иқтисодий ўсиш суръатларини ҳисобга олиб йиллик янги иш ўринларига бўлган ўртача талабни шакллантириш мумкин. Инновацион иқтисодиётга ўтиш, янги технологик укладни шакллантириш асосида йиллик янги иш ўринларини ташкил этишга

<sup>17</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан амалга оширилган ҳисоб-китоб натижалари.

<sup>18</sup><https://lex.uz/docs/4013356>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947сон фармони.

бўлган эҳтиёж юқоридаги уч хил сценарияларга кўра йиллик ўртача 4,1-12,5 фоиз янги иш ўринларини ташкил этиш лозим (иқтисодиётда банд бўлган жами меҳнат ресурсларига нисбатан). Янги иш ўринларини ташкил этишдаги асосий тармоқлар саноат ва қурилиш, хизмат кўрсатиш ва ИТ соҳалари самара беради.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда куйидагиларни амалга ошириш лозим:

Биринчидан, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш. Ўзбекистонда меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлашга аҳоли даромадларининг ошишига олиб келади. Аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири ўзини-ўзи банд этиш ҳисобланади. Ўз-ўзини банд қилишнинг улуши ортиши тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиради. Ўз-ўзини банд қилувчи инсонларни тадбиркорлар таркибига киритиш барча тадбиркорлик фаолиятини олиб борувчи тадбиркорларни яқка тартибдаги тадбиркор сифатида қарашга олиб келиши мумкин. Мамлакатнинг солиқ-бюджет тизими ўз навбатида ўз-ўзини банд этувчиларга ҳам тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчиларга ҳам таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, аҳолининг таълим билан қамраб олинганлик ва таълимнинг натижадорлик даражаси, аҳолининг ўз-ўзини бандлигини таъминлашига, тадбиркорлик қобилиятларини шакллантиришига ва иқтисодий ўсишга интенсив таъсир кўрсатади. Малака даражаси юқори бўлган тадбиркорнинг фирма фаолиятини ривожлантириш потенциали юқори бўлади. Юқори малакали тадбиркор бозор ҳолати таҳлилини атрофлича баҳолай олади ва бозор талабини, конъюнктура ўзгаришларини прогнозлай олади. 2021-2030 йилларда макроиқтисодий барқарорликни ифодалашда махсус ўлчовлар киритиш муҳим: барқарор иқтисодий ўсишни сақлаб қолиш, қатъий молиявий сиёсатни амалга ошириш, бюджет харажатларини камайтириш, маҳаллий лойиҳаларни амалга оширишга инвестицияларни жалб этиш, эгилувчан пул-кредит сиёсатига мослашиш, кредит мажбуриятларини назорат қилиш ва инфляция даражасини тушириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва турли қийинчиликларга дуч келган ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш.

Иккинчидан, инвестициялар жозибadorлигини таъминлаш лозим. Иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий омиллардан бири инвестициялар ҳисобланади. Бу ўз навбатида, аҳолининг бандлик даражасининг ортишига, аҳоли ихтиёридаги даромаднинг ошишига олиб келади. Аҳоли ихтиёридаги даромадининг ошиши жамғариш нормасини оширади. Бу ўз навбатида

жамғарманинг капиталлашувига - яъни инвестиция ҳажминининг ортишига олиб келади. Учинчидан, бандликни қўллаб-қувватлаш чора тадбирлар ижросининг самарадорлигини янада ошириш лозим. Ўзбекистонда меҳнат бозорига ҳар йили 210-250 мингга яқин меҳнат қилишга лаёқатли ёшдагиларнинг кириб келиши кузатилмоқда. Уларнинг самарали бандлигини таъминлашда ишлаб чиқариш ва қурилиш саноатининг ўрни юқори бўлиб, айниқса, меҳнат интенсивлиги таъминланадиган кичик ҳажмдаги саноат тармоқларида бандликни ошириш, хусусий сектор ривожланишини янада қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойларида ўз-ўзини банд этувчи бандлик даражасини ошириш муҳим ҳисобланади. Шу билан биргаликда, аҳоли бандлигига кўмаклашуви марказлар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш ва фаолиятларини такомиллаштириш ишсизлик даражасини камайтиради. Ниҳоят, меҳнат самарадорлигини оширишда малака ошириш институтлар фаолиятини такомиллаштириш лозим. Келгусида малака ошириш институтлари технологик ўзгаришларга, ташкилий, замонавий менежментдаги ўзгаришларига жавоб бера оладиган курсларни ташкил этишига талаб ошиб боради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мурожаатнома (2020) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // ЎЗА, 2020 йил 25 январь
2. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуни. www.lex.uz
3. Uglu, Rasulov Shavkat Sharof. "Analysis of economic reforms increasing labour resources in the republic of uzbekistan." ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal 11.11 (2021): 390-396.
4. Расулов, Шавкат. "Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурсларининг иш билан бандлигининг жорий ҳолати таҳлили." Economics and education 23.2 (2022): 227-232.
5. Расулов, Шавкат. "МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ." Economics and education 23.4 (2022): 149-153.